

Кириб келаётган Янги йилнингиз  
қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Mustaqillik huquq demakdir

# Нидош



1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 29-dekabr, №52 (1041)

Бош прокуратурада

## Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши

Бош прокуратурада Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда дастлабки тергов ва суриштирув органлари томонидан жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар кўриб чиқиши, порахўрлик жиноятлари ҳақидаги ариза ва хабарларнинг терговга қадар текшириви ва дастлабки терговда қонунчилик талабларига риоя этилишининг қонунийлиги ҳамда бу борадаги прокурор назорати аҳоли муҳофизати қилинди.

Йиғилишда таъкидландики, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш орқали фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларининг ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Шу билан бирга, бу тоифадаги ариза ва хабарларни ҳал этишда жиноят-процессуал

Дилшод ШЕРМАТОВ,  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

қонунчилиги талабларига риоя этилишини таъминлаш борасида йўл қўйилган камчиликлар ҳамда баъзи қонун бузилиши ҳолатларига барҳам берилмаётганини кескин танқид остига олинди.

Бундай салбий ҳолатларнинг вужудга келиш сабаби ва шарт-шароитларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг олдини олишга қаратилган қатъий чоралар кўриш лозимлиги қайд этилди.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳада фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Мамлакатимиз маданият ва истироҳат боғлари, майдон ва хиёбонларида Янги йил байрами тадбирлари бошланди. Мустақиллик майдони, кўчалар, кўплаб боғлар кўзни қамаштиргучи ўйинчоқли зумрад арчалар билан безатилди.



## Пойтахтимизнинг майдон ва хиёбонларида Янги йил томошалари

Шайхонтоҳур туманидаги "Локомотив-Анхор" боғи ёнидаги майдонда катта байрам томошалари ташкил этилди. Бу байрам томошаларига келган аҳолининг мароқли дам олиши, болажонларнинг дилдан қувнаши учун кўпроқ қўлайликлар яратилди муҳим аҳамият касб этди.

...Янги йил арафаси ўтган даврни сарҳисоб этиш, босиб ўтилган йўлни атрофлича таҳлил этиш, истиқболдаги режаларни белгилаш учун қўлай имкониятдир. Поёнига етиб бораётган 2016 йил Ватанимиз истиқлолининг шонли 25 йиллиги нишонланган йил сифатида тарих саҳифаларида муҳрланиб қолади.

Мамлакатимизда жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови жараёнларида иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий ислохотларнинг юксак натижалари, халқимизнинг аҳил ва ҳам-жихатлиги бутун жаҳон жамоатчилиги томонидан юксак эътироф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган муҳим ҳужжатлар, олдга сурилаётган эзгу ташаббуслар инсон омилига устувор аҳамият қаратиш, ижтимоий барқарорлиқни янада ривожлантириш, тинч, файзу баракага тўла ҳаётимизни кўз қорачиқидек асраб-авайлашда янги истиқболларни очиб бермоқда. Президентимиз тақдирини кўра 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши бу борадаги эзгу сайёҳаракатларга янгича мазмун ва руҳ бағишлади.

...Тинч ва осойишта, халқи бахтиёр, ҳаётдан розилик, шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғуларига лиммо-лим тўлган, истиқболи ёруғ ва саядатли юртга байрамлар яра-

шадди. "Локомотив-Анхор" боғи ёнидаги майдонга келаётган юртдошларимизнинг бағида ана шундай руҳиятнинг зоҳирлигини уларнинг ёруғ чехраси, юз-кўзи, болажонларнинг шўх кулгусидан илғаш мумкин. Янги йилга бағишланган тадбирларнинг юксак савияда, кўтаринки кайфиятда ўтказилишида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Тошшаҳарнур" давлат унитар корхонаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси ва бошқа кўплаб ташкилот ва бирлашмалар муносиб ҳисса қўшди. Майдон марказидаги баландлиги 26 метр, айланаси 7 метрдан ортиқ гўзал арчага минглаб шар ва ўйинчоқлар, камалақранг чироқлар зеб бериб турибди. Арча "Ўзмахсус-монтажхурилиш" акциядорлик компаниясига қарашли "Чирчиқўлатмонтаж" масъулияти чекланган жамияти ишчилари мингхонани билан ҳал ростлади. Ён-атрофдаги прожекторлар унинг кечки пайтдаги маҳобатини тасвирлайди.

Худуднинг ғоят кенг ва мўллиги кичкинтойларнинг бемалол югуриб ўйнаши, Қорқобо ва Қорқиз билан суратта тўшуши, томошалардан тўлақонли баҳраманд бўлишига имкон беради. Майдондаги қўшимча арчалар, савдо шобчалари, ўйин майдончалари байрам шуқуқининг янада ортишига хизмат қилмоқда. Бу ерга ўрнатилган улкан экранларда истиқлол йилларида эришилган ютуқ ва марраларимиз, баркамол авлуд келажаги йўлидаги ғамхўрликларга оид ижтимоий видеолавҳалар, мультфильмлар намойиш этилмоқда. Ранг-баранг аржимчоқ-

лар, аттракционлар, ўйин қурилмалари ўғил-қизлар билан тўлган. Совға-саломлар, ўйинчоқ ва ширинликлар расаталаридан кўз қувнайди.

Майдондаги сахнада Ўзбек Миллий академик драма театрининг "Семурғ" томошаси болажонлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Ранг-баранг концертлар, турли интеллект туал ўйинлар, қизиқари томошалар байрамга янада шуқуқ бағишлайди. Улкан Қорқола, айиғу тулқичалар, эртақ ва мультфильмлардаги қувноқ қаҳрамонларни ҳам айнан шу ернинг ўзида учратиш мумкин. Турли прожекторлар, ёритиш технологиялар, лазерли технологиялар, замонавий махсус бадий эффеқтлар майдоннинг оқшомги кўринишига ўзгача мафтункорлик, сеҳр ва жозоба бағишлайди. Эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис этасиз ўзингизни.

Янги йил байрамига бағишланган театрлаштирилган-муסיқий тадбирлар Хадра майдони, Юнусобод тумани Сайилгоҳ майдони, Чилонзор тумани "Алгоритм" даҳасидаги "Roison Electronics" корхонаси олди майдони, Яшнобод тумани "Авиасозлар" шаҳарчаси майдони, Мирзо Улугбек тумани "Локомотив" боғи, Сергели тумани "Бахт дёнри" гузари олдидаги майдон ҳамда Бектемир тумани "Кўёшча нури" маданият ва истироҳат боғларида ўтказилмоқда. Бу ерда "Зумрад шаҳарча сеҳргари", "Бахт калити", "Фаройиб қуш", "Қор маликаси" ва бошқа кўплаб спектакллар билан бирга ранг-баранг муסיқий дастурлар, ўйин ва виториналар, қизиқарили саҳна кўринишлари, цирк усталарининг дастури томошаларига тақдим этилмоқда.

## Халқаро алоқалар мустаҳкамланмоқда

Жорий йилнинг 12-13 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДАҚК департаменти вакиллари билан Ибрат делегацияси Беларусь Республикасининг Минск шаҳрида "Молия тизимининг шаффофлиги ва барқарорлигини таъминлаш механизми сифатида самарали назорат" мавзусида ўтказилган халқаро семинар ишида шиттирок этди.

Семинар Беларусь Республикасининг давлат назорати Қўмитасининг молиявий мониторинг Департаменти, Миллий банки ҳамда Молия мониторингининг Халқаро ўқув-методик маркази томонидан ташкил этилди.

Мазкур семинарда Арманистон, Беларусь, Қозғоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон каби давлатлардан, шунингдек, Молиявий чоралар бўйича махсадли гуруҳ (ФАТФ) минтақавий гуруҳи тоифасидаги Жиний даромадларни легаллашти-

Глеб ЕЛИЗАРОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
СВОЖЖДАҚК департаменти  
бўлим бош инспектори

риш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи ва МАНИВЭЛ халқаро ташкилоти котибатида вакиллар иштирок этди.

Ўтказилган семинар ФАТФ бўйича ўзаро баҳолашдан ўтган давлатлар тажрибаси ҳамда жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўлинмалари соҳасида назорат органларига оид халқаро стандартлар билан танишиш жиҳатидан амалий аҳамиятга эга бўлди.

Тадбирда олинган амалий тажриба жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида хавфларни баҳолаш, мазкур соҳадаги халқаро стандартларга мувофиқ, ўзаро баҳолашни ўтказишга тайёргарлик кўришда ҳамда Ўзбекистон қонунчилигида ФАТФнинг янги тавсияларини ўрганиш ва жорий этиш бўйича Идораларо ишти комиссияси ишида қўлланилишида аҳамият касб этди.

# Вояга етмаганлар ҳуқуқлари ҳимоясини такомиллаштириш йўлида

Сўнги йилларда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олиш, ҳалқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш ҳамма дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида суҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва демократлаштириш, жиноий жавобгарлиқни либераллаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қарорларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим қадамлардан бири бўлди.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош

прокуратурасида махсус экспертлар гуруҳи тузилиб, улар томонидан вояга етмаган ёшлар учун қонунчиликда назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш механизмининг самарадорлигини ошириши ҳамда жиноят, жиноят процессуал қонунчиликка

ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда tutувчи қонунчилик таклифлари лойиҳалари ишлаб чиқилди.

2016 йилнинг 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ўтказилган "Вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни ўтказишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масалалари" мавзусидаги семинар экспертлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган қонунчилик таклифлари лойиҳаларининг муҳокамасини бағишланди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Ички ишлар вазирлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Олий ҳарбий божхона институти ходимлари, Юристарлар мажлисидаги ошериш маркази, Тошкент Давлат юридик университети, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари иштирок этди.

Семинар доирасида суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қароқотлаш, уларга нисбатан қўлланиладиган жиноий жавобгарлиқни либераллаштириш, жиноят ва жи-

**Бахтиёр АХУНОВ**,  
Бош прокуратуранинг ОУК  
кафедре бошлиғи  
вазифасини бажарувчи

ноят-процессуал қонунчиликда вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган мажбурият чораларини такомиллаштириш, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш каби масалаларга тўхталиб ўтилди.

Тадбир иштирокчилари вояга етмаганлар жиноий жавобгарлиқни либераллаштириш борасида ўз таклифлари билан мунозараларда иштирок этдилар.

Нарпай туман прокуратураси ташаббуси билан умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда ота-оналар иштирокида "Китобимсан — офтобимсан, менинг яқин ўртоғимсан" мавзусида маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди.

## Китобим — маслакдошим

**Қамолддин ЖАВДАНОВ**,  
Нарпай туман прокурори

Юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунар кўникмаларини пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, улар қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини қамол топтириш, ёшларнинг китобга бўлган меҳрини ошириш мақсадини кўзлаган мазкур тадбирларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, "Қамолот" ЁИХ ҳамда "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди туман бўлими мутасаддилари ҳам халб қилинди.

Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларига мўлжалланган тадбирлар доирасида тумандаги барча умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва ёшлар ўртасида "Бахру байт", "Энг кўп бадий асар ўқиган ўқувчи", "Алишер Навоий асарлари билимдони", "Нутқи равон ўқувчи" кўрик-танловлари, "Биз барқамол ёшларимиз", "Мен ёқтирган асар" мавзуларида иншоолар ҳамда деворий газеталар танловлари ташкил этилди. Ўз навбатида, ота-оналарнинг ҳам китобхонлик савияси "Китобсевар оила", "Энг яқин китобхон", "Шеърят билимдони" танловлари орқали синовдан ўтказилди.

Биринчи босқичда танловга тумандаги 24 мингдан зиёд ўқувчи, ўсмир-ёшлар ва уларнинг ота-оналари фаол иштирок этиб, ҳар бир мактабдан ҳудудий босқичларга қатнашиш учун 8 нафардан китобхон танлаб олинди.

Тадбирлар давомида танлиқи ёзувчи, шоирлар, тажрибали санъат намояндалари иштирокида ижодий суҳбатлар, учрашувлар ўтказилгани туман аҳолиси, айниқса, ёшларнинг бадий адабиётга бўлган иштиёқини янада оширишга хизмат қилади. Айниқса, туманинг Гулистон, Кўк ота, Хўжакарзон маҳаллаларидаги жамоатчилик кутубхоналарининг қўшимча адабиётлар билан тўлдирилгани, Дедан, Сарбозор маҳаллаларида мингдан зиёд китоб фондига эга янги кутубхоналар ташкил этилгани ҳамда китобларнинг электрон нусхаларини яратиш бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатлар ибрат олишга арзийди. Бу билан ёшларимизни турли ёт оқимлар таъсиридан асрашни ният қилганмиз.

Ўтказилган танловларнинг якуний босқичида 80 нафар ижодкор ёшлар ва ота-оналар ўз иқтидорларини намойиш этишди. Танлов якунига кўра, 24, 69, 52-умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари жамоалари совринли ўринларга лойиқ топилди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик, китоб ҳамда мусиқа асбоблари билан тақдирланди. Бу каби тадбирларни ҳар ойда мунтазам ўтказиб борилиши кўзда тутилган.

Бундай тадбирлар ёшлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни оммавий маданият таъсиридан асраш ва энг муҳими, китобхонлиқни кенг омиллаштириш мақсадида ташкил этилмоқда. Бу ташаббусимиз самарасини кўриб, уни изчил давом эттиришга қарор қилганмиз. Шунингдек, туманимиздаги ҳар бир маҳаллада жамоатчилик кутубхоналарини ташкил этишни ҳам режалаштирганмиз.

Бу каби ижобий ишлар самарасида вояга етмаганлар томонидан жиноятчиликнинг содир этилиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 50 фоизга камайди.

## Ташаббус қўллаб-қувватланди

**Эркин ШАРИПОВ**,  
Каттақўрғон шаҳар прокурори

Каттақўрғон шаҳар прокуратураси ташаббуси билан аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида маънавий муҳитни янада яхшилаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий-маданий меросимизни соғлом авлодга таъбиқ этиш, уларнинг тафаккурини бойитиш мақсадида шаҳар марказида "Марказий кутубхона" ташкил этилди.

Мазкур кутубхона қисқа фурсатда ҳашир йўли орқали таъмирланиб, тегишли анжомлар, китоб жавонлари билан жиҳозланди.

Кутубхона аҳолининг маънавий савиясини оширишда, энг муҳими, шаҳар ёшларининг порлоқ келажagini белгилашда катта аҳамият касб этади.

Кутубхонада шунингдек, мактаб ва коллеж ўқувчилари учун 5500 дан ортиқ электрон ўқув дарслиқлари ва бадий адабиётлар базаси шакллантирилди.

Бундан ташқари, ҳомийлар томонидан 5 млн. сўмлик болалар ва жаҳон адабиёти намуналари тақдим этилди.

Қисқа фурсатда кутубхонага бир ярим мингдан ортиқ киши аъзо бўлган бўлса, шулардан 1200 нафарини ёшлар ташкил қилади. Бундан ташқари, ҳар куни юзга яқин фуқаролар китобхонлар сафига қўшилмоқда.

Ҳозирги кунда кутубхонада замонавий ах-

борот-ресурс маркази, жаҳон адабиёти, болалар адабиёти каби бўлимлари ташкил этилиши борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Умид қиламизки, кутубхона нафақат ёшлар, балки турли ёшдаги кишиларнинг билим олишларига, турли ахборотга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга ёрдам беради.



Халқимизнинг бой меросидан турли мақол ҳамда иборалар кенг ўрин олган бўлиб, уларнинг барчаси юз йиллар давомида синовдан ўтганлиги боис ўз қадрини йўқотмаган. "Жаҳл чиққанда ақл кетади", деган мақол шулар сирасидан бўлиб, қўйида баён этилаётган ҳолат унинг нақалар тўғрисида фидоаланганини яна бир бор исботлайди.

Сурхондарё вилоят ҳужалик суди томонидан Қизилқум туманидаги фермер ўҳжалиқларидан биридан солиқ ва бошқа тўловларни ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати туман суд ижрочилири бўлимига юборилди. Ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан ҳамкорликда ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳ аъзолари қарздорнинг уйига келиб, унга ҳуқуқ ва мажбури-

## Жаҳл чиққанда...

**Музаффар МАМАТУРАТОВ**,  
Қизилқум туман прокуратураси  
терговчиси

билан судга юборилди.

Суд судланувчига жазо таъинлашда унинг ёшини, оилавий шароитини, қилмишидан пушаймонлигини эътиборга олиб, унга иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузайтиш иши қазоси тайинлади. Шунингдек, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори қўлланилди ва С.Бойтўраев қарорнинг 2-бандига асосан тайинланган жазодан озод қилинди.

ятларини тушунтиришда. Фермер қарзларини тўлашдан бош тартади. Гуруҳ аъзолари қарздорлик учун тўловларни мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги ижро варақасига асосан ҳовлидаги арпа ҳамда ғалла маҳсулотларини хатлаб, олиб кетмокчи бўлишди.

Бироқ оила аъзолари уларга қаршилиқ кўрсатиб, бунга йўл қўйишмайди. Фермернинг Санжарбек исмли ўғли эса ўз хизмат вазифасини ўтаётган суд ижросисига ташланиб, унга тан жароҳати етказди. Орага ИИБ ходимлари тушиб, уни тўхтатиб қолди. Бу ҳақда далолатнома тузилди.

С.Бойтўраев (исм-фамилиялар ўзгартирилган)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан айб эълон қилиниб, жиноят иши айблов хулосаси

# Мева-сабзавотчилик янада ривожланади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори деҳқон-у фермерларимизнинг, қайта ишловчи ва экспорт билан шуғулланувчи ташкилотларнинг бу борадаги имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, жорий йилда Наманган вилоятида 225 минг гектардан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган бўлса, шундан 7 минг гектардан зиёда картошка, 14 минг 400 гектарга яқин майдонда сабзавот маҳсулотлари, қарийб 27 минг 700 гектар боғларда турли мевалар етиштирилди.

**Ф**ермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан 1 млн. 371 минг 700 тонна мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш кўзда тутилган бўлиб, бу аҳолининг ушбу турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш билан бирга, хорижий давлатларга экспорт қилиш имконини ҳам беради. Вилотимизда мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослашган Янгйўрғон туманидаги "Berry Export Trade", "Via Lactea", Наманган шаҳридаги "Афруз-Камол-Наби", Норин туманидаги "Агро Чекед" ва Наманган туманидаги "Алфа Экспорт Инвест" сингари тадбиркорлик субъектлари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Мева-сабзавот экспортини тижорат банкларининг кредит маблағлари билан қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мева-сабзавотчиликни ривожлантириш ва етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини қўлайлаштириш

мақсадида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки вилот филиалининг кўмаги билан Чуст туманида "Olmos farm text", Чортоқ туманида "Vody ta'mir ta'minot baza", Наманган туманида "Namangan meva-sabzavot eksport", Янгйўрғонда "Quyoshli diyov saxovatlari" ва "Yangikurgan agro invest", Учкўрғонда "Baraka meva sanoat servis" агрофирмалари ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг базорлардаги нархини мўътадиллашга мақсадда вилотда совутиш ускуналари билан жиҳозланган оморлар куриш ва мавжудларини реконструкция қилишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида жами 2 225 тонна қувватга эга олти янги музлатгичли оморбор курилиб, 1 500 тонна қувватга эга битта камера модернизация қилинди.

Ушбу соҳани ривожлантиришда эришилаётган ютуқлар

билан бирга, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам учрамоқда. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий баҳо берилиб, таъсир чоралари кўрилмоқда.

Айни шу мақсадда вилот прокуратураси органлари томонидан юқоридаги қарор ижроси юзасидан қатъий прокурорлик назорати ўрнатилган.

Вилот прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври давомида мазкур қарор ижроси юзасидан мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш, экинларни парварилаш ва галладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш, экспорт кўрсаткичлари бажарилишини тизимли ташкил қилиш аҳоли ўрганилганида бир қатор камчиликлар аниқланди.

Хусусан, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш, валюта тушумини яхшилаш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил қилинмагани, вилотдаги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ташкилотларни нақд пул билан таъминлаш ишлари қониқсиз экани, жорий йилнинг май-октябрь ойларида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича белгиланган режалар бажарилмагани маълум бўлди. Масалан, Чортоқ, Косонсой, Поп, Тўрақўрғон, Мингбулоқ ва Уйчи туманларида бог-ток ораларига экин экиш, эскирган боғларни реконструкция қилиш бўйича ишлар қони-

қарсиз ташкил этилган. Айниқсан, Чортоқ, Тўрақўрғон ва Косонсой туманларида бог ва токзорлар, очик майдонларга умуман экспортбоп экинлар экилмаган. Бог қатор ораларида етарлича экин майдони захираси мавжуд бўлса-да, чорва молларини ўтлатиш мақсадида қаровсиз қолдирилиб, самарасиз фойдаланиб келинган.

Поп туманида 1 669 гектар майдонга сабзавот экинлари экилиши режалаштирилган бўлса-да, 570 гектардан ортиқ майдонларга умуман сабзавот экилмаган. Норин туманида галладан бўшаган майдонларни пешма-пеш ҳайдаш ва экспортбоп такрорий экинлар экиш бўйича ишлар етарли ташкил этилмаган. Тўрақўрғон туманидаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 17 та фермер хўжалигининг бог ораларига сабзавот экинлари тўлиқ экилмай, асосан чорва озуқа экинлари етиштирилган. Учкўрғон туманида ҳам боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалиklarининг бог ораларига сабзавот экинлари экилиши самарали ташкил этилмаган, фермер хўжаликлари билан экспортёр корхоналар ўртасида маҳсулот етиштириш бўйича шартномалар тўлиқ тузилмаган.

Мавжуд боғлар ва бог ораларидан самарасиз фойдаланиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказмаслик ҳолатларига Янгйўрғон, Наманган Косонсой, Уйчи, Чуст ва Мингбулоқ туманларида ҳам йўл қўйилган.

Бундан ташқари, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта

**Муродилжон МҲМИНОВ,**  
Бош прокуратура  
бошқарма прокурори

ишлаш, қуритиш ва совутишчи ли сифмларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш масалаларида ҳам муайян камчиликлар мавжуд.

Вилот прокуратураси органлари томонидан мазкур соҳада ўтказилган текширишлар якунига кўра, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида жойларга 14 та тақдиминома киритилиб, 38 нафар масъул шахс қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик ҳусусида расман огоҳлантирилди. Уч нафар шахсга нисбатан интизомий, Косонсой, Учкўрғон ва Чортоқ туманлари ҳокимлари, Косонсой, Поп, Тўрақўрғон, Учкўрғон, Чортоқ, Чуст ва Янгйўрғон туманлари ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари ҳамда 16 нафар фермер хўжалиги раҳбари маъмурий жавобгарликка тортилди. Ердан мақсадсиз фойдаланган бешта фермер хўжалигининг ер ижара шартномалари бекор қилинди.

Мухтасар айтганда, мева-сабзавотчиликни ривожлантириш дастурҳимиз тўқинлигини таъминлаш билан бирга, серкўёш заминимизда етиштирилаётган неъматларни экспорт қилиш ҳажмини оширади. Қонун доирасида меҳнат қилиш эса давлатимиз хазинасини бойитиб, деҳқонлар ва аҳоли турмуши янада фаровон бўлишини таъминлаш шубҳасиз.

## Тадбиркорлик — қонун ҳимоясида

**Самад ХАСАНОВ,**

Термиз туман прокурори

Бугун мамлакатимиздаги қўлай ишбилармонлик муҳити, хорижий инвесторлар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар янги лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган соҳа фаолиятини ривожлантиришга доир ислоҳотлар эса улар фаолиятининг барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаетир.

**К**ичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармон билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилиниб, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ҳодимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган мuddатларда ихтиёрни равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этиладилар.

Шунингдек, қонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой мuddатда етказилган зарарининг ўрнини ихтиёрни равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгиланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда Термиз туманида иш билан банд аҳоли даромадининг 75 фоиз-

дан ортиги айнан кичик бизнес ҳисобига тўғри келмоқда. Шу боис, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мутасадди давлат органлари, муассасалар, ҳуқуқ-тартибот органларининг устувор вазифасига айланди.

Бугун туманда амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида бирмунча сезиларли натижаларга эришилмоқда. Жумладан, тумандаги "Учқизил" қишлоқ фуқаролар йиғини "Янгиҳаёт" маҳалласи ҳудудидан 4 гектар ер майдонида умумий қиймати 25 млн. АҚШ доллар миқдоридagi 10 минг тонна сифмли музлатгич-омборхона ва йилига 30 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Тумандаги "Янгиҳаёт Айритом" масъулияти чекланган жамияти томонидан 200 млн. сўм кредит маблағлари йезига замонавий мебель ва МДФ эшикларини ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, 10 та иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, ушбу корхона томонидан ҳозирги вақтда умумий қиймати 18 минг евро миқдоридagi йиллик қуввати 300 тонна ташкил этилган мева-сабзавот маҳсулотларини консервалаш ускуналари олиб келиниб, қурилиш-пайвандлаш ишлари амалга оширилди.

"Илхомжон Намуна" масъулияти чекланган жамияти томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш (қуритиш)ни ташкил этиш бўйича умумий қиймати 130 минг АҚШ долларига тенг лойиҳа амалга оширилди ва 20 та иш ўрни яратилди. Банк муассасасидан олинган 350 млн. сўм кредит маблағига замонавий ускуналар олиб келинди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий қўмак бериш, кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва турмуш тарзини янада юксалтиришга, ишбилармонлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Самарқанд вилот прокуратураси томонидан Бош прокуратура ҳамда Вазиrлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кўрсатмаларига мувофиқ жисмоний имконияти чекланган, ногирон болаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жамиятта қўшилишлари учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида мутасадди идоралар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар амалга оширилди.

## Эътибордан шод кўнгиллар

**Мухаррам ХАМРОЕВА,**

Самарқанд вилот прокурорининг ёрданчиси

**Х**усусан, вилот прокуратурасининг ташаббуси билан ҳудудимиздаги 6 та махсус мактаб-интернатларда тарбияланаётган имконияти чекланган болалар учун хайрия тадбирлари ўтказилди.

Тадбирларда муассасаларда тарбияланаётган болаларга ҳуқуқимизда томонидан мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, қонунчилигимизда белгиланган имтиёзлар ҳақида сўзлаб берилди. Ҳомий ташкилотлар томонидан тарбияланувчиларга қишки кийим-кечак, пойфазал, махсус спорт анжомлари, ўқув қуроллари ва ўйинчоқлар совға тариқасида тарқатилди.

Барча муассасаларда тарбияланувчилар томонидан мактаб-интернат тўғраракларида асалан буюмлар, расмлар кўргазмалари ташкил этилди, улар шунингдек, билимларини намойиш этишди. Тадбирлар концерт дастури ва байрам дастурхони билан якуланди.

# Ислохотлар соҳа ривожига хизмат қилмоқда

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик ва аграр секторда ҳар томонлама пухта ўйланган ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида соҳада барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

"Голд драйд фруктис" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди ва жамиятга вилоят прокуратураси кўмагида Термиз тумани ҳудудидан 117 га. ер майдони ажратилди.

Мақсуд МЧЖ томонидан бир йилда 30 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш (қуришти), 10 минг тонналик сизимга эга бўлган музлатгич омборхона ташкил этиш ҳамда 110 га. ер майдонида иссиқхона қурилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирда кўчат етиштиришга мўлжалланган 5 гектар иссиқхона фаолияти йўлга қўйилди. Тумандаги фермер ва деҳқон хўжалиқларига мева-сабзавот кўчатлари етказиб берилиб, тайёр маҳсулотларни қабул қилиш юзасидан тегишли шартномалар имзоланди. Ушбу бизнес лойиҳа асосида 450 нафар шахс доимий иш билан таъминланди.

Шунингдек, Шўрчи туманидаги "Нўмонжон Трейд" МЧЖ раҳбари Ш.Алимардоновнинг жамият томонидан бажарилган йўл қурилиши ишлари учун тўлашиш лозим бўлган 39 млн. 752 минг сўм пул маблағи ободонлаштириш бошқармаси томонидан тўлаб берилмаётгани ҳақида Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига қилган мурожаати вилоят прокуратураси томонидан ўрганилиб, ушбу пул маблағининг жамият ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши таъминланди.

Ҳисобот даврида тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилиб, прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш орқали уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўриб борилмоқда. Хусусан, Бойсун туманидаги "Сааноат Агро инвест Савдо" МЧЖ раҳбари С.Холиқовнинг "Микрокредит банк" АТБ Термиз шаҳар бўлими томонидан асоссиз равишда кредит қарздорлиги ва унга пеня ҳисобланаётганидан норози бўлиб Бош вазир виртуал қабулхонасига қилган мурожаатини ўрганиш давомида банк томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз қўлланилмаганлиги сабабли асоссиз равишда жамиятга 14 млн. 378 минг сўм ортиқча фоиз ҳисобланган, ундирилганлиги аниқланди.

Ўрганиш якунида "Микрокредит банк" АТБ Бойсун мини банки раҳбари вазирасини бажарувчи Д.Алимовга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, нотўғри ҳисобланган ортиқча фоизнинг жамият ҳисоб рақамига қайтарилиши таъминланди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси томонидан Шеробод туманидаги "Бекмамат Фазлиддин" фермер хўжалиги

Улғубек АХУНОВ,  
Сурхондарё вилоят прокурорининг ўринбосари

раҳбари Б.Темировнинг АТ "Халқ банки" Шеробод филиали томонидан 500 млн. сўм кредит ажратилмаётганидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганилди ва фермер хўжалигига 500 млн. сўм кредит маблағи ажратилиши масаласи банкнинг республика бошқарувида кўриб чиқилиб, ижобий хулоса берилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Б.Темировнинг мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилиши таъминламаганлиги учун банкнинг кредит бўлими бошлиғи А.Бозоровга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси орگانлари томонидан шунингдек, фермерларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг бажарилиши юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоят прокуратураси ташаббуси билан жорий йилнинг ўтган даврида фермер хўжалиқларига 3,9 млрд. сўм маблағ ўтказиб берилиб, бунинг эвазига 37 та юқори унумли трактор, 25 та Орион, 12 та ТД-5, 25 та чоқиқ трактори, 25 та культиватор, 25 та ОВХ ва 9 та энг замонавий экскаватор олиб берилди. 3981 та фермер хўжалигига 37,6 млрд. сўм имтиёзли кредитларнинг ажратилиши, 335 та фермер хўжалиқларига 1 млрд. 878 млн. сўмлик сугурта пулларининг тўлаб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, прокуратура орғанларининг аралашуви билан вилоят қишлоқ хўжалиги ташкилотларида ишлайётган ишчиларнинг 1,8 млрд. сўмлик иш ҳақларининг тўлаб берилиши ҳам таъминланди.

2016 йилнинг ўтган даврида ушбу йўналишда ўтказилган тадбирлар натижаларига кўра, қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида жойларда 28 та тақдимнома киритилди. Қонунга зид равишда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан 66 та протест келтирилди.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш кераки, соҳада олиб борилмаётган ислохотлар халқимизнинг фаровон турмуш кечириши, юртимиз тараққиётини таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай ишлар кўламининг йил сайин кенгайиб бораётгани, нафақат соҳада салмоқли муваффақиятларни қўлга киритишда, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, деҳқон-у фермерларимизнинг самарали фаолият юритишида ҳам муҳим аҳамият касб этапти.

Тумандаги 3- ва 13-сонли умумтаълим мактабларида моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш ва бюджет маблағларининг сарфланиши назорат тартибиде ўрганилиб, жиддий қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди. Хўжжатли тафтиш натижаларига кўра, ўзаро тил бириктириб, жуда кўп миқдорда бюджет маблағини ўзлаштириб, талон-торож қилган уюшган жинойий гуруҳ аъзоларига нисбатан жинойят иши қўзғатилди. Хусусан, 3-сонли умумтаълим мактабига 2014 йилги харажатлар сметаси туман молия бўлими томонидан 970 млн. 594 минг сўм миқдорда тасдиқланган.



## Ишончга хиёнат

Амалдаги қонун-қоидага кўра харажатлар сметасига 4 мартадан ортиқ ўзгартириш киритиш мумкин эмас. Туман бўлими мудирининг ўринбосари, бюджет бўлими бошлиғи Н.Пардабоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва молия бўлими иқтисодчиси М.Эркинов мактаб ҳисобчиси ва директорининг "илтимослари"ни ерда қолдира олишмайди. Компьютерда ўзларига берилган логин ва пароллардан фойдаланиб, бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тасдиқланган умумий ҳажми доирасида кўпайтирилиши мумкинлигини билганлари ҳолда, 3-сонли мактабнинг 2014 йилги тасдиқланган харажатлари сметасига 30 марта ўзгартириш киритишди, жами 87 млн. 38 минг сўм ортиқча маблағ кўшиб берилди.

Бундан ташқари, ойлик машоарат ошганлиги ҳисобига 32 млн. сўм кўшиб берилиши лозим бўлгани ҳолда, асосли ҳужжатлар бўлмаса-да, 40 млн. сўм кўшиб, харажатлар сметасига 3 марта ўзгартириш киритишди.

Мактаб директори Л.Маҳкамова ва бош ҳисобчи С.Қурбанова эса кўшиб берилган ортиқча бюджет маблағини ўзлаштириш ва талон-торож қилишга астойдил "бел" боғлашади. Ўзларига хизмат кўрсатадиган банк ходими Д.Жиянов билан келишган ҳолда, иш ҳақи ажратилган пул маблағини мактабда умуман ишламаган ва ишдан бўшашган 11 нафар фуқаронинг ҳамда ўзларининг пластик карталарига ойма-ой ўтказдириб олишаверади. Шу тариқа қўлга киритилган 129 млн. 908 минг сўм миқдордаги бюджет пулларининг бир қисмини вилоят ва тумандаги банклар, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида харажат қилиб, нақдлаштириб олишади. Бир қисмини жинойий шериклари — молия бўлими ходимлари Н.Пардабоев ва М.Эркиновларга "эхсон" қилишади. Банк ходими Д.Жияновни ҳам қуруқ қўйишмайди. Мактабда ишламаган, иш ҳақи ҳисоб-

Хайрулло ОРИПОВ,  
Риштон туман прокурори

ланган бир фуқаронинг пластик картасини "иньом" этишда. Д.Жиянов унга туширилган 7,6 млн. сўмга яқин пулни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлайди.

Молия бўлими мудирининг ўринбосари, бюджет бўлими бошлиғи Н.Пардабоев ва бўлими иқтисодчиси М.Эркинов 13-сонли умумтаълим мактаби бош ҳисобчиси О.Қобулованинг "илтимоси"ни ҳам рад эта олишмайди. Мактабнинг 2014 йил учун тасдиқланган харажатлар сметасига 19 марта ўзгартириш киритиб, 74 млн. 949 минг сўм ортиқча маблағ кўшиб беришади. Бош ҳисобчи О.Қобулова эса мактабга қонунга хилоф равишда ажратилган маблағларни ўзлаштиришга киришади. Иш ҳақи китобида иш ҳақи ҳисобланмаган ва табеллар юритилмаган, мактабда ишламаган 11 нафар шахснинг пластик карталарига тўловлар ўтказиш учун қалбаки ведомостларни тайёрлаб, уларни банкка тақдим этади. Банк ходимининг оғзини мойлаш учун эса 4 млн. сўм туширилган пластик картадаги маблағдан ўз билганича фойдаланиши учун беришади. Д.Жиянов ишлагаган 11 нафар шахсга ойма-ой ҳисобланган иш ҳақларини мактаб бош ҳисобчисининг қўлидаги пластик карталарига ўтказиб бериб туради. Шу йўсинда О.Қобулова пластик карталарга туширилган 69 млн. 962 минг сўм бюджет маблағини банклар, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида харажат қилиб, нақдлаштириб олади. Бир қисмини шахсий ва оиласининг эҳтиёжларига сарфлайди. Бир қисмини туман молия бўлимидаги жинойий шерикларига "иньом" қилади.

Суд ўзларига ишониб топширилган жуда кўп миқдордаги бюджет маблағини ўзлаштириб, талон-торож қилган, етказилган зарар ўрнини қисман қоплаган уюшган жинойий гуруҳ аъзоларига тегишли жазо тайинлади.





# Халқ манфаати учун хизмат қилади

Маълумки, 2016 йил 23 сентябрда "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири матбуотда эълон қилинди. Мазкур қонун инсон ҳуқуқ ва манфаатларига йўналтирилган бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Матбуотда эълон қилинганидан кейин уч ой ўтган кучга кирган ушбу қонунда иш берувчилар ва ходимларнинг ушбу соҳага доир талабларини бажариш бўйича масъулияти кучайтирилган. Унда меҳнат шaroити ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли шaroитлар яратилиши устидан назоратни таъминлашга доир вазифалар белгиб берилди. Қонунда шунингдек, иш ўринларини меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказиш, меҳнатнинг муҳофаза қилинишини бошқариш тизими аудити, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишни текшириш ҳамда ҳисобга олиш масалаларига оид янги тушунчалар киритилган.


Жумладан, қонунда иш ўринларининг меҳнат шaroитлари бўйича аттестацияси масаласи ўрин олган. Бу меҳнат шaroитининг оғирлиги, жароҳатланиш жиҳатидан хавфлилигини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш, зарарли ёки хавфли ишлаб чиқариш омиллини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадбирлар мажмуидир. Меҳнатнинг муҳофаза қилинишини бошқариш тизими аудити масаласи ҳам муҳим

ҳисобланади. Қонунга мувофиқ, бу меҳнатни муҳофаза қилиш тизими ҳолатини баҳолаш бўлиб, у иш берувчининг қарорига биноан ўтказилади. Бунда бу борадаги ишларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги аниқланади. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг ишлаш сифати, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш даражасини камайтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлиги баҳоланади. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган тақлифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, қонунда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллигига чалинишни текшириш ҳамда ҳисобга олиш масалалари ҳам аниқ тартибга солинган. Хусусан, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши, шунингдек, касб касалликлари белгиланган тартибда текширилиши ҳам ҳисобга олинishi шарт. Бу

фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишлар бажарувчи (хизматлар кўрсатувчи) шахсларга нисбатан ҳам тааллуқли.

Қонун асосида касбаба уюшмалари ваколатлари кучайтирилгани ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши имкониятларини янада кенгайтиради. Эндиликда бу тизим вакили ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шaroитлари ва муҳофаза-ни тўғрисида, ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш



ҳуқуқига эга. У бундай ҳодисалар юзасидан текширишда иштирок этади. Ходимларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига тақлифлар киритади.

Янги таҳрирдаги қонунда иш берувчилар ва ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш борасидаги масъулияти оширилди. Бу борада иш берувчилар ва ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Ходим қулай ва хавфсиз иш ўрнига эга бўлиш ҳуқуқига эга. Меҳнат шaroити тўғрисида, шу жумладан, касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли мавжудлиги, шу муносабат билан ўзига берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар, шахсий ҳимоя воситалари ва жамоавий ҳимоя воситалари ҳақидаги ахборотларни иш берувчидан олиши зарур. Ходимлар ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий ижтимоий сугурта қилинади.

Ўз навбатида, ходим ҳам соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиши лозим. Шахсий ҳимоя воситаларини тўғри қўллаши, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олиши, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтиши керак. Одамларнинг ҳаёти ва соғлигига бевосита хавф туғдирувчи ҳар қандай вазият тўғрисида, иш жараёнида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса ҳақида иш берувчини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Иш берувчи ходимлардан меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз олиб боришга доир нормалар,

Рустамбек АБДУЛЛАЕВ,  
Андижон вилоят прокурорининг  
катта ёрдамчиси

қоидалар ва йўриқномаларга риоя этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ходимларнинг алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик моддаси ёки токсик модда таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун уларни текширувдан ўтказиши мумкин. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувнинг амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этганлик учун ходимларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш чоратадбирларини кўради. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда айбдор ходимларни интизомий жавобгарликка тортади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тобора такомиллаштирилиб борилаётган қонунчилик ислохотлари халқ манфаатларига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ рўйбга чиқаришга, пировардида, кучли фуқаролик демократия ҳамда ҳуқуқий демократик давлат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориш, қонунийликни сўзсиз таъминлаш масалалари эса прокуратура органларининг энг муҳим устувор вазифаси бўлиб қолаверди.

## ИМКОНИЯТ БЕРУВЧИ НОРМА

Давоми.

Бошланиши 5-бетда/

Агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.

Жиноят кодексига киритилган ўзгаришларда маҳкум озодликни чеклаш тарикасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган ёхуд суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталамай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги ҳам кўзда тутилган. Бунда жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Жиноят-ижроия кодексининг 44-моддасига кўра, қуйидагилар озодликдан чеклаш тарикасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товловчилар, деб эътироф этилади:

а) ўзига нисбатан суд томонидан белгиланган тақиқларни (чеклашларни) бузишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида оғохлантириш тарзида интизомий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида жазони ўташ тартиби ва шартларини бузишга йўл қўйган маҳкум;

б) ўзига нисбатан техник назорат воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузган маҳкум;

в) яшаш жойидан яширинган, қаерда экани уч суткадан ортқ вақт ичида аниқланмаган маҳкум;

г) яшаш жойидаги жазоларни ижро этиш инспекциясига белгиланган муддатдан уч суткадан ортқ вақт мобайнида келмаган маҳкум.

Шуни ҳам таъкидлаш керакики, янги жазо тури ҳаммага бирдек таътиб этилавермайди. Ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлмаганлар ана шундай шахслар тоифасига кириди. Суд ҳар қандай ҳолатда уларга нисбатан ушбу жазони тайинлаши мумкин эмас.

Судлар мазкур жазони тайинлаш, маҳкумга нисбатан тақиқларни юқлашда содир этилган жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқishi, қўлланаётган тақиқларнинг қамров доирасига аниқлик киритиб бериши лозим бўлади. Масалан, озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахсга оммавий ва бошқа тадбирларда иштирок этиш тақиқланган бўлса, унинг айнан қандай тадбирларда (тўй, маъракалар) иштирок этмаслигига аниқлик киритилиши керак.

Юқоридаги қонунга мувофиқ, Жиноят-ижроия кодексига "Озодликни чеклаш тарикасидаги жазони ижро этиш" деб номланувчи 8<sup>1</sup>-боб ва 4 та янги модда киритилди. Ушбу моддалар жорий этилган жазо турини ижро этиш ва жазони ўташ, муддатини

ҳисоблаш тартибини белгилайди, жазони ўташ тартиби ва шартларини бузганлик учун юзага келадиغان жавобгарликни оғохлантиради.

Унга кўра, озодликни чеклаш тарикасидаги жазо маҳкумининг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан ёки суд белгилайдиган, маҳкумларнинг суд белгилаган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши, шунингдек, ўзининг жазони ўташи билан боғлиқ масалалар бўйича озгаки ёки ёзма тушунтиришлар бериш учун қақирув бўйича жазоларни ижро этиш инспекциясига қелиши шарт. Эҳтиёж туғилса, маҳкумга нисбатан электрон кузатув воситалари қўлланилиши мумкин.

Озодликни чеклаш тарикасидаги жазога ҳукм қилинган шахс суд томонидан белгиланган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши, шунингдек, ўзининг жазони ўташи билан боғлиқ масалалар бўйича озгаки ёки ёзма тушунтиришлар бериш учун қақирув бўйича жазоларни ижро этиш инспекциясига қелиши шарт. Эҳтиёж туғилса, маҳкумга нисбатан электрон кузатув воситалари қўлланилиши мумкин. Маҳкумининг муайян вақтда яшаш жойидан кетиши, маъмурий ҳудуд доирасидаги жойларга бориши ёхуд белгиланган маъмурий ҳудуд доирасидан чиқishi учун жазоларни ижро этиш инспекциясининг рухсатномаси талаб этилади. Шунингдек, яшаш жойини ўзгаришга эришганда ҳам рухсатно-

ма юқоридаги идорадан олинади. Уй-жойидан чиқиб кетишга бутунлай тақиқ белгиланган маҳкумининг доимий яшаш жойидан кетиши, тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқishi ёхуд яшаш жойини ўзгариштириш учун талаб қилинадиган рухсатномаларга прокурор томонидан санкция берилади.

Маҳкум озодликни чеклаш тарикасидаги жазони ўташ тартиби ва шартларини бузса, жазоларни ижро этиш инспекцияси унга нисбатан оғохлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллаиди. Маҳкум озодликни чеклаш тарикасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жазоларни ижро этиш инспекцияси судга озодликни чеклашнинг ўталамаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш ҳақида тақдимнома киритади.

Хулоса ўрнида айтганда, жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотлар инсонпарварлик ҳамда бағрикенглик тамойиллари билан уйғун равишда амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз жиноят қонунчилигига киритилган озодликни чеклаш тарикасидаги жазо тури билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолган, қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар учун катта имкониятдир. Энг муҳими, мазкур жазо тури инсонпарварлик тамойилига тўла мос бўлиб, катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

# Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишлари

XXI аср бошларига келиб дунё аҳолисининг ёшлар қатлами ҳар қандай давлат ва жамиятнинг нафақат келажагини, балки унинг бугунги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий салоҳиятини ҳам белгилаб берувчи ўзига хос тўқтин, таъсирчан, фаол куч сифатида намоён бўлди. Ҳозирги кунда ер юзи аҳолисининг 18 фоизини 14 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

Ўтган йиллар давомида юртимизда Конституция ва кодекслардан ташқари соҳага оид 24 та қонун, 15 та Президент фармони ва 11 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та қарори, 32 та идоравий-меъёрий ҳужжат қабул қилинган.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти томонидан 1993 йил 4 мартда таъсис этилган дастлабки ордени — “Соғлом авлод учун” деб номланиши, 1992 йилда ёшларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг инсонпарвар нормаларини ўзида жамлаган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг миллий парламенти томонидан ратификация қилинган ҳам мамлакатимизда ёшлар масаласига бўлган эътибор даражасининг юқори эканини кўрсатади.

Республикамизда амалга оширилаётган ҳуқуқ ижодкорлига кўра, соҳадаги қатор амалий ишлар натижасида жорий йилнинг 14 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қонун даражасида белгилаб олинди.

Қонуннинг 3-моддасига кўра, ёшлар (ёш фуқаролар) — ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслардир. Қонунда Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришдаги вазифалари, бу борадаги фаолиятда иштирок этувчи қатор таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳасидаги ва бошқа давлат органлари ва муассасалари белгиланган.

Ҳозирда жамиятнинг асосий ҳаракатлантувчи кучи сифатида намоён бўлаётган ёшларнинг жамият ва давлат ҳаётининг барча жаҳалларида фаол иштирокини, уларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг мустаҳкам ҳимоясини таъминлаш борасида прокуратура органлари олдига қатор вазифалар кўйилган.

Қонуннинг 14-моддасида прокуратура органлари ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириши, соҳадаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактикасини, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаб, бартараф этиши, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этиши, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиши белгилаб кўйилган.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳар қандай мамлакат аҳолисининг ижтимоий таркиби, айниқса ёшлар қатлами нисбатан тез ўзгарувчан, динамик ўсувчи ва мунтазам шаклиб бориши сабабли доимий қўллаб-қувватлаб туришни тақозо этади. Ҳар бир давлат ўзининг келгуси истиқболи давомчиси бўлган ёш авлодини демократик, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашнинг урдасидан чиқиши, уларни ижтимоий жиҳатдан етарли даражада қўллаб-қувватлаши энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ақсинча, ёшларга оид давлат сиёсатининг тўғри ташкил этилмаслиги натижасида мамлакатда ишсизлар сони ортиб, криминоген вазият кескинлашади ва ижтимоий зиддиятлар кучайиб боради.

Европанинг аксарият давлатларида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда асосий вазифа қилиб — ёшлардан, аввало, мустақиллик ва масъулият билан белгиланувчи катта ҳаётга ўтиш жараёнида зарур шароитларни яратиш белгилаб қўйилган. Бу шуни англатадики, ёшлар сиёсати ёшларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, биринчидан, ёшлар учун имкониятларни яратиш, иккинчидан, ушбу имкониятларни қўллаш учун ресурс ва интилишларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Миллий қонунчилигимизда ҳам ёшларни мустақил фикрлайдиган, масъулиятли бўлишида кўмаклашадиган, шу билан биргаликда, улардаги тadbиркорлик кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланишига давлат томонидан қаратилган эътибор муҳим аҳамиятга эга эканини кўришимиз мумкин. Масалан, қонуннинг 26-моддасида давлат ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини қўллаб-қувватлаши, ёшлар тadbиркорлигининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, давлат органлари томонидан ёшлар тadbиркорлигини ташкил этишда кўмаклашиши, ёшларни тadbиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида имтиёзли кредитлар бериши, уларни тadbиркорлик фаолияти асослари бўйича ўқитиши, таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорликни шартнома асосида ривожлантириши, ёшлар тadbиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш йўли билан амалга оширилиши белгиланган.

Охирги 20 йилда ёшлар сиёсати, уни амалга оширишнинг механизмларини такомиллаштириш, янги қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилинишига эътиборнинг кучайиши кузатишмоқда. Айниқса, мазкур жараён халқаро институтларнинг ишлашида сезиларли бўлмоқда. 2001 йилда Европа Иттифоқи “Европа



ёшлари учун янги импульс” деб номланган Оқ китобни, 2005 йилда “Европа ёшларнинг урдасидан чиқиши, уларни ижтимоий жиҳатдан етарли даражада қўллаб-қувватлаши энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ақсинча, ёшларга оид давлат сиёсатининг тўғри ташкил этилмаслиги натижасида мамлакатда ишсизлар сони ортиб, криминоген вазият кескинлашади ва ижтимоий зиддиятлар кучайиб боради.

Бундан ташқари, Европа Кенгаши ҳар 3 йилда ёшлар сиёсатининг асосий устувор йўналишларини тасдиқдан ўтказди.

БМТнинг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда “Кундалик тартиб 2020” деб номланган ҳужжатининг тасдиқланиши ушбу соҳада янги бошқич бўлди. БМТда ёшларга оид давлат сиёсатини доимий ривожлантириш ва қайта қўриб чиқишга, ушбу мавзудаги янги тadbиркорликларга катта эътибор қаратилмоқда.

Қўпчилик мамлакатлар ёшларга нисбатан махсус қонунчиликка эга. Қонунчилик ҳужжатлари ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий устуворликлари, уни амалга ошириш ва нодавлат иштирокчиларни қўллаб-қувватлаш механизмларини белгилайди. Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини молиялаштириш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳукумат томонидан биринчи навбатда ёшлар ташкилотларининг ташкилий фаолиятини қўллаб-қувватлаш амалга ошириладиган Австрия, Дания, Германия, Франция, Швейцария каби давлатларнинг таъриби энг муваффақиятли ҳисобланади.

Европанинг бир қатор ривожланган давлатларида ёшларга оид давлат сиёсати институтлари ва механизмлари ўтган асрнинг 80-йилларидан шакллана бошлаган. Ёшларга оид давлат сиёсати, айниқса Скандинавия давлатлари, Шунингдек, Франция, ГФРда ривож топди. Ёшлар сиёсатига доир қонунчилик Германияда мукамалроқ деяр эътироф этилган. Айниқса, соҳага дахлдор давлат органлари ва ёшлар ташкилотлари фаолияти, улар ўртасидаги ҳамкорлик самаралари йўлга қўйилган.

Айни пайтда республикамиздаги ёшлар ташкилотлари ичида беш миллионга яқин ёшларни бирлаштирган “Камолот” ЕИХ етакчи урин тутди. Шунингдек, бевосита ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода қиладиган “Янги авлод”, “Камалат”, “Соғлом авлод учун”, “Болалар спортини ривожлантириш”, “Истеъдод”, “Сен ёлғиз эмассан” каби жамағармалар ва бир қатор ташкилотлар самарали фаолият юритиб келмоқда.

Кўпгина давлатлар ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг уч поғонали тузилишига эга (вертикал, горизонтал боғлиқлик ва ёшлар ташкилотларининг иштироки). Миллий ҳукумат қонунчилик ҳужжатларини қабул қилади ва ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади. Бу эса ҳудудий ва муниципал даражадаги хизматларни тақдим этиш учун имконият яратади. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг энг самаралиси уни ҳудудий ва муниципал даражада амалга оширишдир. Чунки бунда маҳаллий ёшларнинг эҳтиёж ва заруриятлари эътибор олинади. Айниқса, бу федератив давлатларга хосдир.

Республикамизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларининг амалга оширилишида нодавлат иштирок ташкилотлар ҳам иштирок этиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Қайд қилинган қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда, ёшларда ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларни шакллантиришда, уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган қилиб тарбиялашда нодавлат иштирок ташкилотлари иштирок этади. Шунингдек, бундай ташкилотлар соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялашга, жамият ҳаётида уларнинг роли ҳамда фаоллигини оширишга доир тadbирларни ташкил этиши ва ўтказишида ёшларнинг ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши ҳамда рўёбга чиқариши таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга, фан, спорт, санъат ва маданият соҳасида ёшларнинг ижодий истеъдоди ва қобилиятини эрта аниқлашга ҳамда ривожлантиришга кўмаклашиш, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ва рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Бундан ташқари, нодавлат иштирок ташкилотлари ёшларга соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантиришда,

Фарҳод Юлдашов,  
Бош прокуратура бошқарма прокурори  
Нозимжон Асқаров,  
ТДЮУ мустақил излагувчиси

юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий ҳавфли касалликларга, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, кашандалликка ҳамда ўзга зарарли иллатларга қарши курашишга доир профилактика чора-тadbирларини амалга оширишда, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишида, ёшлар спортини оммавий ривожлантиришда ва фаолият самардорлигини ошириш ҳамда ёшлар орасида экологик маданиятни оширишга, экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёшларни ўқитиш билан шуғулланиши мумкин.

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунда республикамизда ёш фуқароларга психологик-педагогик, юридик ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш, имконияти чекланган ёш фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ёш оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, таълим ва меҳнат жамоаларида ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ёш мутахассисларга янги иш жойига мослаштириш, уларни қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш, вояга етмаганлар учун ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ижтимоий ёрдам кўрсатиш, озодликдан маҳрум этиш жойларида ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёш фуқароларни ижтимоий мослаштириш, ёшлар тadbиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш, ҳуқуқий тарғибот, ёшларни ишга жойлаштириш, таълим олиш ва касбий тайёрлик борасида, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, туризм ва спорт соҳасидаги имкониятлар тўғрисида хабардор этиш, ёшларнинг яшаш жойларида бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш уларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг асосийлари ҳисобланади.

Ёшлар билан ишловнинг яхлит модели умумевропа институтлари — Европа Кенгаши ва Европа Иттифонининг ёшлар сиёсати ҳисобланади. У кўп жиҳатдан кўпгина давлатлардаги миллий ёшлар сиёсати ривожланишининг йўналишини белгилаб беради.

Мазкур моделнинг асосий элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ягона мақсадни аниқлаш;
- ёшлар дастурларининг бошқарув ҳуқуқини марказдан ҳудудларга бериш.

Ёшлар ва уларнинг жамоат бирлашмаларининг реактив ролини эмас, ақсинча фаол ролини тан олиш билангина ёшлар ва давлат орасида ишончли пойдеворни шакллантириш ва уни мустаҳкамлаб бориш қўлданган мақсадга эришишнинг самарали йўли ҳисобланади.

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан буён ўтган давр мобайнида бошқа соҳалар қатори тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш борасида ҳам салмоқли ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб, юқори самараларга эришилмоқда.

Яратилган имкониятлардан кенг фойдаланаётган юрtdошларимиз эса ўз иқтидорларини намоян қилиб, иқтисодимизга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Жаҳон андозалари даражасида тайёрланган маҳсулотлардан баҳраманд бўлар эканмиз, хурсандчилигимизни яширмаймиз, бозорларимизнинг тўкин-сочинлигидан кўзимиз қувнади. Хизмат савияси ҳам кун сайин юксалаётти. Тадбиркорликнинг қай тури бўлмасин, унга қўл урган борки, меҳнату лаёқатиغا яраша мулк эгаси бўлмоқда, рўзгорига барака кирмоқда. Буларнинг барчаси яқин ўтмишда қатъий тартиб асосида мулкка эга бўлишга қўйилган чекловларга батамом барҳам берган мустақиллик шарофати, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарасидир. Бундай фаолият қатъий қонун ҳимоясида тобора ривожланмоқда.

Бу борадаги қонунларга, Президент фармонлари, қарорлари ва бошқа қонуности ҳужжатларга тежвор замон тақозоси билан тадбиркорлар манфаатига мос ҳолда ўзгартиришлар киритиб келинмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 октябрдаги "Тад-

# Шаҳар бедарвоза эмас...



биркорлик фаолиятининг жадвал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармонини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу фармон билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувларни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси самарадорлигини ошириш барча давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлаб қўйилди.

Буни қарангки, шундай чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлишига қарамай, айнан тадбиркорлар орасида ҳамкасбларнинг "қўзига чўп сукаётган", аниқроқ қилиб айтганда, ўзининг фаолиятига қоникмай, мўмай пул илчингда бошқа тадбиркорларни сиқувга олиб, зўрлик ишлатиб мақсадига эришаётган кимсалар ҳам учраб турибди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судида ана шундай қинғир қилмишга қўл урган жиноий гуруҳга нисбатан қўзғатилган жиноят иши кўриб чиқилди. Ҳайрон қоларли жиҳати, гуруҳ йўлбошчиси 65 ёшни қоралаб қолган Ҳафиза Тўлаганова (исм-фамилиялар ўзгартirilган) бўлиб, онахон кексалик гаштини суриш ўрнига, фарзандлари тенги шахсларга жиноят содир этишда раҳнамолик қилган.

Асосий фаолияти ноишлаб чиқариш-техник мақсаддаги кўчмас мулкни сотиш ва ижара бўлиши бўлган "Lessor plus" масъулияти чекланган жамиятини бошқарган Х.Тўлаганова пул топишининг антика усулини топган. Унга кўра, савдо мажмуаси ҳудудини ободонлаштириш, чиқиндилардан тозалаш, савдо дўконларини тунги вақтда қуриқлаш ва бошқа коммунал хизматлар қўрсатилиши эвазига жамиятнинг балансида ва тасаруфида бўлмаган савдо дўконлари эгаларига "Lessor plus" МЧЖ-

нинг ҳисоб рақамига ҳар ойда 6 млн. сўм миқдориде пул тўлаш ҳақидаги шартнома имзолаб, муҳр билан тасдиқлашлари керак бўлган.

Табиики, аксарият тадбиркорлар бундай ноқонуний талабга қарши чиқишган. Х.Тўлаганова бундайларнинг тез "табонини тортиш" ҳақида ходимлари — МЧЖ менеждери Собир Қулиев, жамият қоровули Ҳасан Махмудов ҳамда жамиятга расман ҳеч қандай алоқаси бўлмаган шахслар Рустам Ҳожиёв ва Ҳикмат Шукуровга топшириқ беради. Улар эса ўз навбатида МЧЖ билан шартнома тузишмагани баҳонаси билан "қайсар" тадбиркорларга қарашли савдо дўконларини электр тармоғидан узиб қўйишдан ташқари, дўконларнинг кириш эшикларини ҳам қўлқаб қўйишди.

Аслида эса ҳеч қандай ишлар бажарилмади. Шундай бўлса-да, таъйик орқали имзоланган шартномаларга асосан барча ишлар амалга оширилгани ҳақида сохта ҳужжатлар тайёрланади. Шу йўл билан молиявий муносабатларга қонуний тус берилиб, товарсиз операциялар амалга ошгани ҳолда ҳисоб рақамига тушган пулларни нақдлаштириб олишди.

Бундан ташқари, "Arkansas invest", "Global-Story invest", "Nexen Luxe" каби ўнга яқин масъулияти чекланган жамиятлар билан ўзаро тил бириктириб, муайян ҳуқуқ берадиган топшириш-қабул қилиш далолатномалари ҳамда ҳисоб-фактуралар каби расмий ҳуж-

**Мираглан МИРЗАЕВ,**  
Тошкент шаҳар прокурорининг  
биринчи ўринбосари

жатлар қалбақлаштирилади. Масалан, сохта шартнома тузиб, қурилиш ишлари амалга оширилгани, реконструкция қилингани, бухгалтерия ҳужжатларига муқова-жилд (переплет) тайёрлаб берилгани, офис мебели етказиб берилгани каби ҳақиқатда амалга оширилмаган хизматларни бажарилди дея сохта ҳужжатлар тайёрланишига муваффақ бўлинади.

Маълум муддатда ҳисоб рақамларга тушган 938 млн. 976 минг сўм миқдоридеги маблағ нақдлаштирилиб, ўзлаштирилиш йўли билан талон-тороқ қилинади.

Суд товлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қондаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш, сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаш, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш, шунингдек, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жабрланувчига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ва нобуд қилиш билан кўрқитиб, ўзгадан мулкни ёки мулккий ҳуқуқни топиширини, мулккий манфаатлар беришда ифодаланган хатти-ҳаракатларни содир этишда айбонган судланувчиларга қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Зулфизар тежаб-теграб топган пулига сотиб олган эчки оч бўлса-да, маърамайди. Эчки яқинда болалади. Зулфизар нон уволқари, пўчоқларни беришга келди-ю, улоқчини ўзича эрқаламоқчи бўлди. Она эчки маъраб безовталаниб, олд оёқлари билан ерни уриб, уни улоқча яқинлаштирмасликка ҳаракат қила бошлади...

## Узилган меҳр риштаси

Зулфизар (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ўйга толди. Ҳеч бўлмаганда шу жонзотчаллик меҳрим йўқимди боламга... Нималар кўриб қўйдим?... Шу пайт чақалоғини сотиб олмақчи бўлган кишилар ваъда берган 5 минг АҚШ доллари кўз олдиндан ўтди. Юрагида чирт этиб нимадир узилгандек бўлди. Бу меҳр риштаси эди.

Бирор она фарзандидан осонликча кечмайди. Оч, юпун қолса қоладики, аммо дилбандини сотмайди. Бироқ Зулфизар билан Илгизар кун кўриш, яхши яшаш учун болаларини пуллашга қарор қилишди. Кимлардир тирноққа зор, уларнинг эса уч нафар фарзандлари бор. Болаларини воёга етгунга қадар едириш, кийдириш, илм олиши, ҳунар ўрганишига кўмаклашиш ота-онанинг бурчи. Аммо Зулфизар ва Илгизар 13 йилдирки, турмуш қуриб, ижарага ўй олиб, кун кўришади. У эшикдан бу эшикка кўчиб юриш уларнинг ҳаёт тарзи. Учунчи фарзандлари туғилганда, эр-хотин уй-жойи бўлишини орзу қилиб қолишди.

— Бизнинг ҳам ўз уйимиз бўлармикан?..

— Қайдам?..

Ноҳира Давронова шахсий иш билан Қаршидан қайтаётганида, такси ҳайдовчиси билан хангомалашиб қолди.

— Дунёнинг ишлари қизиқ. Кимдир тўкин-сочин яшайди. Уй-жойи бор. Аммо фарзанддан қисилган. Бошқалар эса тўкис яшамаса ҳам, фарзандлари кўп.

— Рост айтасиз. Менинг бир дугонам 7-8 йилдан буён фарзанд кутади. Бирок...

— Қонда бир танишим бор. Уч ойлик чақалоғини сотмоқчи. Уларга пул

**Шерзод РАҲИМОВ,**  
Бухоро вилоят прокуратураси  
бўлим катта прокурори

керак.

Такси ҳайдовчиси Бобоқул бу гапларни айтarkan, юраги жиз этмади, виждони ҳам қийналмади. Чунки у боласини пулламоқчи бўлган таниши Зулфизарнинг гапини "реклама" қилаётган эди, холос.

Ноҳира таниши Ботир ака билан Когон туманига етиб келиб, чақалоқнинг ота-онаси билан учрашди. Норасида Меҳриддиннинг ота-онасининг ихтиёри билан нархи ва "савдо"ни охирига етказиш манзили келишилди.

Когон шаҳар "Бухоро" шоҳ кўчасидаги дехқон бозори олдида харидорни кутиб турган онасининг кўкрагига ҳажжи кўлчалари билан ёпишиб олган 3 ойлик Меҳриддин онасидан айрилгиса йўқ. Эндигина қулишни ўрганган чақалоқ кўзлари жикка ёшга тўлган онасининг нигоҳларига тикилиб туриб, завқланиб жилмайдди. Қўлига доллар ушлаган Илгизар аёлига қаради. "Ана, айтмадимми, бу бола бизни бой қилади, деб..." Уларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Уларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари, деб таништирган йигитлар қалб кўзи сўқир ота-онани фафлат уйқусидан уйғотди.

Билиб-билмай одам савдоси жиноятига қўл урган Илгизар Фозилов ҳамда Зулфизар Жалилова суд ҳукмига биноан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди. Уларга тегишли жазо тайинланди.

## Дарз кетган ишонч

Қадимдан ўзбек халқи оила, эр-хотин ўртасидаги муносабатларга жиддий эътибор қаратиб келган. Ўз навбатида, оиланинг яшаш, унинг мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан оила боши бўлган эркек кишига боғлиқ.

Ибн Сино оилавий муносабатларнинг турли ва муҳим томонларини ёритар экан, аввало, оила бошлиғи бўлмиш эрга юклатилган масъулиятли вазифаларга эътиборни қаратган. Унинг фикрича, эр биринчи навбатда оиладаги тарбиявий ишларга доир ҳам назарий, ҳам амалий маълумотларга эга бўлиши шарт. Шундагина, у ҳақиқий оила бошлиғи бўла олади. Шунингдек, у оилавий муносабатлар мароми оиладаги тинчлик-тотувлик, меҳр-муруват, оила гурури ҳамда шавни кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ эканлигини ҳам таъкидлаб ўтган. Унинг фикрича, аёл киши ақдан доно, ибодли, ифбатли бўлиши, эрига бўйсунмоғи, уни севмоғи, фарзандлар туғиб, доимо ҳалол, пок, тўғри сўз, камтар бўлиши керак. Ҳеч қачон эрига нисбатан димоғдорлик, виқор ҳиссини кўрсатмаслиги, вазифаларни яхши, ўз вақтида бажариб, оиланинг моддий бойликларини тежамкорлик билан ишлатмоғи лозим. Афсуски, бугунги кунда улуг алломаларимизнинг ўғитларидан бутунлай бебаҳар, мамлакатимизда оила мустаҳкамлиги йўлида амалга оширилаётган ишларга эса бепишанд муносабатда бўладиган фуқаролар ҳам учрамоқда.

Турсун Комиллов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ёш эмас, ярим асрни қоралаб қолган, икки нафар фарзанд тарбияланаётган бир оиланинг боши эди. Аввалига ишлари бароридан келиб, яхши даромад қилар, оиласининг

**Асилбек ЮСУФБЕКОВ,**  
Бош прокуратура бошқара АМИВ  
терговчиси

тўқис яшашини таъминлаётганди. Кейинчалик омаднинг юз ўғирини унинг ҳафсаласини пир қилди чоғи, рўзгор тебратишини турмуш ўртоғига топширди-қўйди. Аслида эркек киши тақдир синовлари олдида осонгина таслим бўлмаслиги, ҳимояси ва қармоғида бўлган оиласини ўз ҳолига ташлаб қўймаслиги керак.

Эридан "масъулият"ни қабул қилиб олган Саломат Камоловага ҳам бобомизнинг юқорида келтирилган — ақдан доно бўлиш, эрга бўйсунмиш, ҳеч қачон эрга нисбатан димоғдорлик қилмаслик каби фазилатлар етимишди. 2015 йилга келиб, эр-хотин ўртасидаги ришта таранглашди, ўзаро ишончга дарз кета бошлади. Қачонлардир яхши ниятлар билан бир ёстиққа бош қўйишган, энди эса алоҳида хонада яшай бошлашди. Кун сайин муносабатлар совуқлашиб, аёл ифбатни унутди, эр эса аламини ичкиликдан олди.

Шу йилнинг баҳори. Тунги соат ўн яримга яқинлашганда С.Камолова ўз хонасида уяли телефон орқали ким билан қизгин суҳбатлашаётган эди. Кутилмаганда эшик тарақлаб очилди. Эшик олдида маст ҳолда турган Турсуннинг қўзлари қонга тўлган, ҳаёлини эса "бугун ҳаммасига нуқта қўяман", деган фикр банд этган эди. У шу ниятини амалга ошириш учун ҳотинига ташланди. Турмуш ўртоғига бир неча бор пичоқ урди. Аёл қочишга, жонини сақлаб қолишга уринди. Бирок...

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан ўз хотинини қасдан ўлдирган Турсун Комилловга нисбатан 10 йил муддатта озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.



Бугунги глобаллашув даврида ахборот тарқатиш юқори ривожланиш нуқтасига етди. Хусусан, интернет жамият ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Бугунги кун одами ҳар бир кунини интернетдан бошба, у билан тугатадиган бўлиб қолди. Айни дам глобал тармоқнинг афзалликлари билан бирга салбий таъсири, хавф-хатарларига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Майяан кучлар глобал тармоқнинг ахборотлари тез, сифатли узатиш, тарқатиш бўйича имкониятларидан фойдаланиш орқали жамоатчиликни тўғри йўлдан уриш, айниқса, ёшларни ўзлари тарғиб этаётган бузғунчи гоа ва мафкуралар томон йўналтиришга ҳаракат қилишмоқда. Чунки ёшлар интернет аудиториясининг энг фаол аъзолари бўлиб, улар интернетта янгиликларни излаш, дўстлар билан танишиш, мулоқот қилиш, мусиқа ёзиб олиш ва ўзларига керакли маълумотлар олиш учун кирдиладилар. Аммо виртуал макондан ёғилаётган ахборот оқими шунчалик кўпки, унинг қайси бири фойдали, қайси бири га-разли эканини ажратиб олишга ҳар бир ёш йигит-қиз қодир эмас. Айниқса, онги тўла шаклланиб улгурмаган ёшларнинг дунёқарашига, ғоявий тарбиясининг ўта салбий таъсири кўрсатувчи интернет тизими маълумотларининг маълум бир қисми асосан ноҳолис, шубҳали қўринишга бўлиб, ахлоқий бузғунчи, тажовузкорлик ва зўравонликка ўндайди.

Хозир интернет орқали тарқатилётган ва йил сайин тобора кенг, хилма хил тус олаётган виртуал зўравонликка, шунингдек, электрон оммавий ахборот воситаларида тасвирланаётган жангари манзаралар, оммавий маданият нико-би остидаги ғоялар ёшларнинг маънавиятига таъсир қилмоқда. Шунинг учун ҳам фарзандларимизнинг унинг хавфидан ҳимоялаш масаласи бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади ва мазкур муаммо глобал миқ-ёсда ҳал этилиши тақозо этилади.

Мақсад — болани интернетдан ажратиб қўйиш эмас, балки унинг камол топиши учун мукамал воситалар яратишдир. Интернет болалар тарбиясида ўта муҳим ўрин эгаллайди. Чунки хозирги пайтда бола тарбияга оид хулқ-атвор кўникмаси, ҳаёт тамойиллари, фикрлаш ва олам манзарасини кўпроқ айнан интернет ёрдамида ўрганиш имкониятига эга. Айрим ота-оналар фарзандининг компьютер қарши-сида бўлган вақтида ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ, деб ўйлайди. Бироқ виртуал оламда ҳам уларни муайян хавф-хатарлар ва таҳдидлар кутиб турган бўлиши мумкин. Ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассислар томонидан таҳлика-ли шариотларга қай тарзда ўзини муҳофаз қилиш, хавф-хатарлар ва таҳдидлардан

ҳимояланиш мумкинлигини англаш учун мураккаб бўлмаган қоида ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, интернетда ишлаш пайтида уларни эсда тутиш ва эътибор қаратиш дар-кор.

Интернетдаги хавф-хатарларнинг учта асосий тури мав-жуд:

Контент хавфи — ёш авлод-нинг ахлоқий ва маънавий тар-биясига салбий таъсир этувчи (матнлар, тасвирлар, аудио, видео файллар, хаволалар) ноқонуний, ахлоқсиз ва зарар-ли бўлган турли ахборотлар (зўравонлик, ёвузлик, ҳаёсиз-лик, одоб-ахлоқ меъёрларига зид сўзлаш, ирқий, диний ва миллатлараро низоларни кел-тириб чиқарувчи, терроризм ва диний экстремизм, наркотик ва психотроп моддалар тарғи-боти, жонига қасд қилиш, та-қиқланган ўйинлар) интернет тармоғида доим мавжуд.

Коммуникациявий хавф — интернет тармоғида номаълум (яъни таниш бўлмаган) шахс-лар билан мулоқот жараёнида пайдо бўлади. Тармоқдаги анонимлик ва жавобгарликка тортилмасликни англаш ҳис-си кўп фойдаланувчилар томо-нидан ҳақорат, кўрқитиш, ки-бербуллинг, хиралик ҳамда шантаж қилиш каби ҳолатлар-га йўл очади.

Техник хавф — зарарли дастурлардан фойдаланиб, (ви-рус, бот айқоқчи дастурлар) дастурий маҳсулотларга зарар етказиш, махфий ва шахсий ахборотлар ёки шахсга оид маълумотларни ўғирлаш, ки-берфирибгарлик.

Мутахассислар томонидан умумжаҳон "ўргимчак тўри"да болалар дуч келадиган ва уларнинг руҳиятига сўзсиз сал-бий таъсир этиши мумкин бўлган таҳдидларнинг асосий турлари таснифланиб берил-ди. Жумладан, мазмунан зўра-вонлик, ёвузлик, ҳаёсизлик, ахлоқсизлик, интернетдаги қимор ўйинлар, наркотик мод-далар тўғрисида ахборот, ҳуқуқбузарлик, ирқий нафрат-ланишга оид сайт ва матери-алларга (фото, видео, аудио ва босма материаллар) осон қира олиш, нотаниш кишилар билан электрон почта, ижтимоий тар-моқлар ва турли шубҳали форумлар воситасида мулоқот-лар қилиш, турли ёзишмалар-ни амалга ошириш имкония-ти мавжудлигини доимо ёдда тутиш даркор.

Болалар ижтимоий тармоқ-дан фойдаланганда дуч кели-ши мумкин бўлган ҳолатлар, яъни назорат қилинмайдиган жараёнлар бор. Булар интер-нет орқали харид қилиш ва

# Ижтимоий тармоқ ва ёшлар тафрактури

онлайн ўйинларда назоратсиз вақт ўтказиш. Шунингдек, ахборот хавфсизлиги экспертла-ри томонидан интернет таҳ-ликаларининг 5 та асосий тас-нифи белгилаб берилди. Агарда уларга бепарқлик би-лан қаралса, болаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

**1. Интернетдан назорат-сиз фойдаланиш оқибатида ота-она обрўсининг заифла-шуви.** Ҳоҳида ота-оналар "фарзандим улғайди ёки бо-лам бирор-бир машғулот би-лан банд бўлиб, менга хала-қит бермасин", дея уни гло-бал тармоқ билан ёлғиз қол-дирадилар. Бундай ҳолатлар болаларнинг интернетдан на-зоратсиз фойдаланишининг биринчи қадами ҳисобланиб, оқибатда, болалар ўз ота-она-ларини тингламай, уларни алдаш ва менемасликни одат қилиб олишади.

**2. Маданият, гоа, мафку-раларнинг аксил тизими.** Ҳаётнинг ушбу мураккаб дав-рида ўсириш ўзини кўрсатиш ва жамиятда ўз ўрнини эгал-лаш йўлларини излайди. Мус-тақил бўлишга эҳтиж сезади. Ушбу йўлда интернет тармоқ-ларида тарқалаётган ва тар-ғибот қилинаётган аксилмад-аният тизими, хусусан, "гот", "эмо" ва бошқа субмаданият оқимлари, диний-экстремис-тик оқимдаги мафкуралар ҳали шахс сифатида барқарор шаклланиб улгурмаган ёш ав-лодга катта хавф тудиради. Бундан ташқари, тармоқларда одоб-ахлоқ меъёрларига зид сўзлаш, тушқунлик, инсо-ниятга нафрат, жиноят оламига ҳос мазмундаги қўшиқларни ҳам учратиш мумкин.

Айрим қўшиқ матнларида жамиятга қарши бориш, ко-нунларга ҳурматсизлик, низо-лар, жиноят, суиқасд, нарко-тик моддаларга истеъмоли ка-билар ҳам мавжуд. Уларнинг ижобий жиҳати мутлақо бўл-магани боис, ортиқча таъриф-га ҳожат йўқ.

**3. Аноним интернет-му-лоқотлар.** Таъкидлаш лозимки, онлайн мулоқот ўзининг таби-ати билан жонли мулоқотдан тубдан фарқ қилади. Бу ерда мутлақо ўзгача хулқ меъёрла-ри, этика стандартлари, фарқ-ли мезонлар амал қилади. Форумлар, чатлар, ҳамжамия-ларда номаълум шахслар би-лан мулоқот қилишга тўғри келади. Анонимлик ҳолати фойдаланувчиларга интернет-да реал ҳаётда айта олмайдиган фикрлар ва ҳаракатлар со-дир қилишга изн беради. Ано-ним мулоқотлар ҳақорат, ки-бербуллинг, камситиш ва хи-ралик қилиш сингари ҳаракат-ларни келтириб чиқариши мумкин.

Болаларнинг хавфсизлиги, маънавий ва жисмоний соғ-лиғи нуқтаи назаридан қарал-ганда, фарзандларининг ин-тернет орқали танишув маса-лаларини ота-оналар назорат қилишлари лозим бўлган жи-ҳатлардан бири ҳисобланади.

**4. Шахсий маълумотлар-ни йўқотиш** — бу интернет тармоғи фойдаланувчилари-нинг (болалар ва ўсмирлар) ўта ишонувчанлиги ва очкилги бо-ис содир бўлади. Ушбу

ҳолатлар ижтимоий тармоқлар-да рўйхатдан ўтиш пайтида, онлайн харидлар қилётганда, чат ва форумларда анкеталар-ни тўлдириш чоғида кузатила-ди. Шахсий маълумотлар тўплами ёвуз ниятли киши-лар учун жуда қулай ўлжа бўлиб, бундан улар ўзларининг ғаразли ва ноқонуний мақсад-ларида фойдаланишлари мум-кин. Шунининг алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий тармоқлар-даги аккаунтлар (саҳифалар) шахсий маълумотлар йўқола-диган (ўғирланадиган) асосий жой бўлиб ҳисобланади. Кўп сонли ёш фойдаланувчилар ўз аккаунтларида эркин фойдала-ниш учун барча маълумотлар-ни, яъни туғилган куни ва ис-мини (телефон рақами, мак-таби, яшаш манзили, қайси жойларда бўлишни яхши қўришни, кайфияти ва харак-терини ёзишни хуш кўради), шу жумладан, катта ҳажмда фотосуратларни ҳам жойлаш-тиради.

**5. Ўйинларга қарамлик.** Онлайн ўйинлар ҳақиқатдан ҳам қизиқарли, уларнинг яра-тувчилари болалар ўйин жара-ёнида кўпроқ вақт давомида қолиб кетишлари учун барча чораларни қўриб қўйишган. Замонавий онлайн ўйинларда маълум босқичлардан ўтиш ва ўйин қаҳрамонларини тако-миллаштириб бориш учун кўп вақт талаб этилади ва бу жи-ҳатлар, ўз навбатида болалар-нинг ўйин жараёнида узоқ вақт қолиб кетишларини таъмин-лайди. Ўсириларлар ўзларини номоён қилишга эҳтиж сез-ганлари боис, бундай имкони-ятларни айнан ана шундай онлайн ўйинлардан ахтариша-ди. Бу ҳолатлар эса боланинг руҳий қашоқлашуви, ўйин-га қарам бўлиб қолишига олиб келади. Ўйинларга қарам бў-либ қолиб, кўп болалар оқват-ланиш, дарс тайёрлашни уч-тиб, уйқусизликка ҳам дучор бўладилар.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, қолаверса, ёшларни интернет-да ҳимоя қилишни назарда тутган ҳолда соҳа мутахассис-лари интернет хавфсизлигига оид бир нечта оддий тавсия-лар ишлаб чиқишган. Ҳар бир бола ўзига хос алоҳида инди-видуал шахс экани ва уларга алоҳида ёндашув кераклиги боис, мутахассислар болалар ва ўсириларнинг куйидаги тоифаларга ажратиши:

**7-10 ёш.** Бу ёшда боланинг фарқлаш ҳисси жуда фаол бўлгани боис, унга тўғри ах-боротларни беришни назорат қилмоқ лозим. Чунки шу ёшда ахборотни англаш қобилияти шакллана бошлайди. Ушбу ёшдаги фойдаланувчиларнинг аксарият қисми эндигина ўқишни ўргангани, қайси сайтга киргани ва қандай му-аммоларга дуч келиши мум-кинлигини охиригача тушуниб етмайдилар. Мультфильм ва ранг-баранглиги билан жалб қилувчи ўйинларга қизиқиш жуда юқори бўлгани боис, мазкур ёшдаги болалар кўп ҳолларда шу каби ахборотлар-ни излашади. Шу сабабли, 7-10 ёшдаги болаларнинг ин-тернетдан фойдаланишини

Рустамжон КОМИЛОВ,  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

ота-оналар ёки катталар томо-нидан доимо назорат қилини-ши талаб этилади. Мақсад — ушбу ёш вақтларида интер-нетдан фойдаланишда хавф-сизликка риоя қилишининг асо-слари, мулоқот этикети ва у ёки бу ахборотнинг тўғрили-гини идрок қилишга ўргатиш керак.

**10-13 ёш.** Мазкур давр ўта муҳим бўлиб, бола учун ўтиш даврининг энг мураккаб пай-ти ҳисобланади. Ушбу ёшда-ги болалар кўп нарсага тушу-нишга ҳаракат қиладиган ва қизиқувчан бўладилар. Интер-нет тармоғида ўйинлар ва ах-боротларни излаш билан бир қаторда, ушбу ёшдагилар дўст ва танишлар топиш мақсадида ижтимоий сайтлар ва чатлар-дан фаол фойдаланишади. Шунинг учун бу ёшдаги бола-лар ҳам интернетдан фойда-ланиш қоидаларини эслаб, виртуал оламда нима ишлар билан шуғулланаётганликла-рини назорат қилиб туриш зарур.

**13-16 ёш.** Ушбу тоифада-ги ўсмирлар шахс сифатида ва жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида айнан шу ёшда шаклланиши боис, фаолият доирасининг қамрови кенгли-ги ва алоҳида эътибор талаб этиши билан ажралиб туради. Бу тоифадаги ўсмирлар ин-тернетдан фаол фойдалани-дилар. Интернет улар учун янги ахборот манбаси, тенгдошлар-и ва дўстлари билан муло-қот воситаси, шу жумладан, вақтичлик қилиш имконияти ҳамдир. Ёшларнинг аксарият қисми ижтимоий тармоқлар-дан ва тезкор хабарли илова-лар (мессенджерлардан) фой-даланади. Мазкур ёшдаги энг катта муаммо — бу ота-оналар томонидан "болаларимиз ул-ғайди" қабилида уларни тўла назорат қилмасликларидир. Бу ёшда яна "мажор оқлиги" ёши, деб ҳам аташ мумкин. Бу даврда болалар улғайиб, бар-ча нарсалар ҳақида кўпроқ би-лишни хоҳлайдилар. Онлайн мулоқотга кириш улар учун қундалик ҳаётининг бир қисми ҳисоблангани боис, улар би-лан кўпроқ самимий суҳбатла-шишни турлиш керак.

Хулоса қиладиган бўлсак, ёшлар — эртаниннинг эгалари. Бу иборани кўп бор эшитган-миз ва ҳар доим бунда ўз масъ-улиятимизни ҳис этганимиз. Шундай экан, ёшларнинг қал-бига ва онгига миллий истиқ-лол ғоясини сингдириш, шу асосда уларда жамиятимиз та-раққийига ҳалал берадиган мафкуравий таҳдидларга қар-ши курашиш, турли ёт ғоя-ларга қарши мафкуравий им-унитетини шакллантириш, ҳақиқий маънодаги ватанпар-варлик, миллий урф-одатлар, қадриятлар, аъналаримизга ҳурмат ва уларни эъзозлаш ҳамда мустақил ва эркин фикр-лари билан ёшларга, яъни ўзларининг тенгдошларига иб-рат бўлиш туйғуларини камол топтириш энг асосий таъби-ларимиздан бири ҳисобла-нишини унутмаслик зарур.

# Масъулиятсизлик қимматга

Ҳар бир давлатнинг тараққиёти шу мамлакатда истиқомат қилаётган фуқаролар ижтимоий онгининг қай даражада шаклланиши, халқнинг саводхоналик ва билим даражасига чамбарчас боғлиқдир.

Исбот талаб этмас ушбу ҳақиқатнинг туб негизини, асосини эса таълим тизими ташкил этади. Таълим тизими мамлакат ривожининг бош омилли ҳисобланади. Ўз навбатида, ҳар бир соҳадаги ривожланиш ва тараққиёт таълим тизими билан узвий боғлиқдир. Бироқ айрим кимсалар ушбу соҳада ҳам ўз манфаатларини ўйлаб, давлатимиз томонидан соҳага ажратилган маблағларни талон-торож қилишмоқда.

Бухоро туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли умумтаълим мактабларидан бирининг директори Лола Жамоло-

ва (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бошчилигида мактаб хўжалик ишлари бўлими мудирини Толиб Маждидов, бош ҳисобчи Ойша Облоқулова ҳамда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Насима Авезова мансаб мавқеларини суиистеъмол қилиб, расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритишди. Шу тариқа мактабда фаррошлик қилмаган Д.Раҳматов, мавсумий ўт ёқувчи бўлиб ишламаган Д.Раҳматов, Ф.Шукруллаев, М.Ҳоҷиев, А.Авезов ҳамда қорувуллик қилмаган С.Ортиқовга расмий ҳужжат ҳисобланган ойлик таъбиел ҳисоботлари ва тўлов қайдномалари юритилиб, "туя кўрдингми, йўқ" қабилда фаолият олиб борилади. Бу ким-

## Тушди

Дилмурод АКОБИРОВ,  
СВОЖЖДЛҚ департаментининг  
Бухоро туман бўлими бошлиғи

саларнинг сохтакорлиги оқибатида давлат бюджетига 13 миллион 644 минг сўм миқдоридан зарар etkazилди.

Шунингдек, биргаликдаги жиноий ҳаракатлар давом ettирилиб, 2012-2014 ўқув йилида яна 29 млн. 148 минг сўмлик устатама тўловлар мактаб ўқитувчиларига қонун талабларига зид тарзда тўлаб берилганлиги ҳам ҳужжатли текширишларда маълум бўлди.

Суд ҳукми билан жиноий гуруҳ аъзолари қонуний жазога тортилди.

## Даромад буюрмади

Азиза РУСТАМОВА,  
СВОЖЖДЛҚ департаментининг  
Шайхонтоҳур туман бўлими суриштирувчиси

Бугун тезкор замонда яшаймиз. Шунинг учун ҳам бу даврнинг одамлари юмушлари хамирдан кил сургандек осон, имкон қадар тез битишини хоҳлашади. Шундай бўлгач, улар орасида тезроқ бойиб кетишни истовчилар ҳам топилади. Инсоннинг бу хоҳиши эса ноконуний фаолиятларга сабаб бўлаётгани афсусланарли ҳолатдир.

Наманганлик Умар Мўминов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан унинг ҳамқишлоғи Икром Нигматов биз айтётган кимсалар хилидан чиқиб қолишди. Узаро сўхбатларнинг бирида уларнинг кўнгли бир зумда бойишни тўсаб қолди-ю, ана шу хаёл бу шахсларни тамома ўзига боғлаб, тинчлик бермай кўйди.

Уша кунларнинг бирида У.Мўминов пойтахтда АҚШ доллари сотиб оладиган пул илжиз тоғганини И.Нигматовга айтди. Мўмай пул илжиздаги икковлон ўзлари жамғарган хориз валютасини ўртага ташлашди.

— 8100 АҚШ доллари... Шуну пулласак, яхшигина даромад қолади. Кейин фаолиятимизни яна кенгайтирамиз, — деди У.Мўминов.

Келишилган кун миҳоз ҳам кўп куттирмади. Нексия автомобилнинг юкхонасига 52 млн. сўмни жойлаб, йиғитларнинг ёнига келди. Икковлон пулларни долналаб санаб чиқишмади. Целлофан халтадаги пулларнинг тахминини санагач, "Ака, ичи тўғрим", деб сўради И.Нигматов. Миҳоз "хаммаси жойида", дегандек бошини қимирлатди. Бирок... Ноконуний йўл билан пул топишни мақсад қилган йиғитларга бу савдонинг мўмай даромади буюрмади, уларнинг ҳурсандчилиги узокқа чўзилмади. СВОЖЖДЛҚ департаменти ходимлари валютафурушликни касб қилган бу кимсаларнинг фаолиятига чек қўйишди.

Суд ҳукми билан У.Мўминов ва И.Нигматовга тегишли жазо тайинланди.

## Ўрганган кўнгли...

Шарафиддин ХИДИРОВ,  
СВОЖЖДЛҚ департаментининг  
Ангор туман бўлими бошлиғи

"Ўрганган кўнгли ўртанса кўймас" деганларидек, яна эски касбининг бошини тутди. 2015 йилнинг баҳор ойида Ангор туманида яшовчи бир неча нафар фуқарога ўзини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходими, деб таништириб, фириб беришда давом этди.

У шу йўл орқали кўпчиликнинг ишончига кириб, танишлари орқали талабгорларни қорхона ва ташкилотларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ишга, олий ўқув юртларига ўқишга киритишни ваъда қилиб, турли миқдордаги пул маблағларини кўлга киритиб келди.

Хусусан, фуқаролар Э.Давлатовдан 100 АҚШ доллари ва 900 минг сўм, А.Қаршиевдан 1300 АҚШ доллари, Н.Қурбоновдан 3000 АҚШ доллари, Э.Раҳмоновдан 2000 АҚШ доллари ва 2 млн. 400 минг сўм, Л.Намозовдан 3 млн. 600 минг сўм, А.Дониёровдан 11 млн. 500 минг сўм ва бошқалардан жами 6400 АҚШ доллари ва 24 млн. 200 минг сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан кўлга киритиб, шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборди.

Олиб берилган тезкор-суриштирув тадбирларида М.Холиқов кўлга олиниб, СВОЖЖДЛҚ департаментининг Ангор туман бўлими томонидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзғатилди.

Жиноят ишлари бўйича Ангор туман судининг ҳукмига кўра М.Холиқов айбдор деб топилиб, 6 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

## Нафс келтирган ташвиш

Айрим фуқароларнинг иш топиш мақсадида бандаликка кўмаклашувчи марказларга эмас, фирибгар шахсларга юзланишлари, афсусланарли ҳолатлар.

Бунга Хошимбой Номозовни (исм-фамилиялар ўзгартирилган) мисол сифатида келтириш мумкин. У ўз келини ва жиянини ишга жойлаштириш мақсадида таниши А.Саидовага учрашади. Табиийки, устамон Асилахон Саидова бу вазиятдан унумли фойдаланиб қолмоқчи бўлади. У Хошимбойдан келини ва жиянининг мутахассислиги, ишлаган жойлари ҳақида маълумот олиб келишини айтди. Шундан сўнг, Асилахон Саидова ишга киришди. Орадан кўп вақт ўтмай Асилахон Хошимбойга келини Фе-

руза Қаршиевани вилоят эндокринология шифохонасига, жияни Гўзал Нориевани 2-сонли поликлиникага ҳамшираликка гапллашиб қўйганлигини айтди.

Хошимбой Номозов келини ва жиянининг ишли бўлиб қолаётганидан севинган эди. Бироқ Асилахон Саидованинг охириги гапларидан кейин тарзуви кўлтигидан тушди. Асилахон айтган 2000 АҚШ доллари уни ўйлантириб қўйди. Шундан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилди.

СВОЖЖДЛҚ департаментининг Қашқардарё вилоят бош-

қармаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Асилахон Саидова Х.Номозовдан талаб қилаётган 2000 АҚШ долларидан 1000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олган вақтда ушланди.

Мазкур ҳолат юзасидан А.Саидовага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзғатилиб, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Таълим тизимига амалга оширилаётган ислохотлар боис, юзлаб замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва мактаблар барпо этили, ўқитишнинг мутлақо янги, самарали илгор тизими жорий қилинди.

## Нафс доми...

Азизбек ХАЛМУРЗАЕВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚ  
департаментининг бўлим катта инспектори

Бироқ ўйбу шарафли ва масъулиятли соҳада ишловчи айрим масъул ходимларнинг таълим бериш ўрнига, хизмат вазифасига тамағирлик билан қараб, пора олиши кишини ажаблантиради.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚ департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида Янгиариқ туманидаги ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори лавозимига ишлаган Хотамбек Бекжонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) хизмат мавқеидан фойдаланиб, ижара асосида мактаб буфетини юритиб келаётган Замира Собировадан фаолиятини юритиши учун ҳар ойда 200 минг сўм пул беришини талаб қилади.

Мактаб директорлигини ноконуний бойлик топиш учун бир восита деб билган Ҳ.Бекжонов Э.Собировадан 400 минг сўм пулни тамағирлик йўли билан олган вақтда ушланган. Суд томонидан унга қонуний жазо тайинланди.

Шу ўринда ўринли савол туғилади. Қандайдир моддий бойлик инсоннинг хотиржамлиги, оиласининг тинчлигини, умри давомида орттирган обрў-этиборидан бир зумда маҳрум бўлишга арзирмикин?

Бу ҳолат бу касб эгаларини ҳушёрликка, янада масъулиятли бўлиб, зиммасига юклатилган вазифани виждонан адо этишга чорлаши керак.

Орамизда сода, ишонувчан инсонлар кўп. Бунга фуқаро Сардор Эшимовни мисол қилиб келтириш мумкин. У "Каптив" автомашинаси харид қилиш мақсадида бозорга борди ва фирибгарга дуч келди.

## Алданиб қолманг...

Уша куни хонқалик Давлат Азимов кўншинининг номида бўлган "Каптив" русумли автомашинани мениб, бозорга чиққан эди. Бу машина Сардор акага маъқул бўлди. Сотувчи 70 миллион сўм, деб ўтирган ҳам, 65 миллион сўмга кўндирди.

— Ҳозир ёнимда 24 миллион бор. Икки-уч кунда 26 миллион, қолганини икки ойдан кейин бераман, — дея Сардор ака сотувчинини кўндирди. Бу Д.Азимов учун айни муддао эди.

— Бўлди ака! Сиз инсофли, диёнатли одамга ўхшайсиз, машинамни сиздан бошқага сотармидим, — тавозе билан жавоб қайтарди Давлат.

Келишувга мувофиқ, Давлат машинани Сардор аканига олиб борди.

— Бир ҳафтада номингизга ўтказиб бераман, — деди сотувчи.

Бу орада Сардор ака машина ўзганинг номида эканлигини, устига-устак банк кредити эвазига гаровда турганлигини билиб қолди. Давлатга кўнгирик

Комилжон РОЗУМБЕТОВ,  
СВОЖЖДЛҚ департаментининг  
Хонқа туман бўлими бошлиғи

қилган эди, у тасалли берган бўлди.

— Сиз сиқилманг, эртагаёқ гаровдан чиқариб бераман.

Эртаси куни Давлат Сардор аканига бориб, гаровдан чиқариш учун машинани олиб кетди ва орадан бир ҳафта ўтса ҳам қайтариб келмади. Охир-оқибат Сардор ака Д.Азимовдан пулларини қайтариб бериш имкони бўлмаган сохта сотувчи банкдан кредит қолдиги 36 миллион сўм эканлигини, шу пулни тўласа, машинани номига ўтказиб беришини билдирди.

Фирибгарликни сезган Сардор Эшимов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди. Шу тариқа Давлат Азимовнинг таноби тортилиб, суд ҳукми билан унга тегишли жазо тайинланди.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси "Ҳуқуқ ва бурч" журнали бош муҳаррири Жаҳонгир Наҳановга уқаси

Отабек ОТАЁРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдирди.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Сергели туман прокурорининг ёрдამчиси Хожжақбар Исақовга падари бузуркувори

МИРАҲАМ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.



# AGROBANK

"Агробанк" АТБ жамоаси халқимизни кириб келаётган 2017 йил билан самимий кутлайди. Янги йил юртимизга кут-барака, тинчлик, фаровонлик, ҳар бир хонадонга файзу тароват олиб келсин. Ана шундай эзгу тилаклар билан банк

## "Agrobank Mobile"

иловаси орқали қатор тўлов  
хизматларини таклиф этади.

www.agrobank.uz  
тел.: (+99871) 203 88 88



# Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни кириб келаётган 2017 йил –  
«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» билан самимий муборакбод этамиз.

Сизларга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат,  
тинчлик ва хотиржамлик тилаб, қуйидаги омонат турларини таклиф этамиз:

«Қомус» – мазкур омонат турига маблағлар 1 ой муддатга қабул қилинади.  
Омонатга ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

«Қурилишга бошланғич бадал» – мазкур омонат турига маблағлар 1 йил муддатга қабул қилинади.

«Мадал» – омонатга 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчининг  
ипотека кредити ҳамда фоиз тўловларини сўндиришга йўналтирилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш  
фонди томонидан кафолатланади.

«Қишлоқ қурилиш банк»  
фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган

Мурожаат учун тел.: (+99871) 150-72-58, 150-39-93,

www.qqb.uz

**Huquq**  
yuridik gazeta

Muassis:  
**O'zbekiston**  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

Bosh muharrir:

**Jahongir MAKSUMOV**

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV  
Gulnoza RAHIMOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85

E-mail:

huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz  
qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.  
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan  
farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallari ko'chirib  
bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi  
ko'rsatilishi shart.  
□ – tijorat materiali.  
Reklama materiallarining mazmuni  
uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi  
**231**

Buyurtma **s-7845**. 37 877 nusxada bosildi.  
Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va  
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbatchi muharrir: G'.ALIMOV  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV  
Navbatchi: O'.DEHQONOV  
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonada manzil: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston  
Respublikasi matbuot va  
axborot agentligida 2009-yil  
12-oktabrda 0188-raqam  
bilan ro'yzatga olingan.

ISSN 2010-7817



9 772010 761004